ЎзССР Давлат китоб палатасы
190094

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 18 май, чоршанба | № 25 (6612). Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга расмий амалий ташрифи давом этмоқда.

23 май куни жумҳуриятимизда Қозоғистон кунлари бошланади. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар ва санъаткорлар, педагоглар ва олимлар, ишбилармонлар иштирок этадилар.

Янгича эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик балосидан қутулган, мустақил инсонни тарбияламоқ учун тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак.

Ўзбекистон — Россия:

ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Суратда: шартномани имзолаш пайти.

К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

Ўзининг буюк келажагини яратиш йўлида дадил одимлаётган мустақил Ўзбекистон жаҳондаги кўплаб давлатлар билан, шу жумладан, МДҲ мамлакатлари, хусусан, Россия Федерацияси билан ҳам иқтисодий, маданий алоқаларни тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Россия Федерацияси Халқ таълими вазирлигининг тенг ҳуқуқли, мустақил, ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ҳамкорликка интилиши ҳам мисол бўла олади. Зотан, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар бошдан кечирилаётган мураккаб бир даврда ҳар иккала мамлакатда ҳам халқ таълимини равнақ топтириш дўстона ўзаро ёрдамни, мавжуд базавий имкониятлардан, таълим-тарбиянинг муҳим омилларидан шартномалар асосида оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ана шу мақсадда Ўзбекистон билан Россия Федерацияси таълим вазирликлари ўртасида таркиб топган анъанавий алоқаларни янги босқичда изчил давом эттириш учун россиялик маорифчилар делегацияларга мамлакатимизга ташриф буюрдилар. Душанба куни Тошкент тайёрагоҳида Россия Федерацияси Халқ таълими вазирлигининг, Москва, Кострома, Новгород, Белгород, Архангельск, Пермь, Ярославск вилоятлари, Москва, Ставрополь ўлкаси ва Татаристон Республикасининг делегацияларини Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси раҳбарлари, республикамизнинг таниқли маорифчилари, педагог-олимлар кутиб олдилар.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мажлислар залида ҳар икки мамлакат делегацияларининг расмий ишчи учрашуви бошланди. Учрашувни Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, россиялик маорифчилар делегацияларининг Ўзбекистон маорифчилари билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузишдек тарихий ва маърифий аҳамиятга молик ишида муваффақиятлар тилади. Вазир ўз нутқида шуни алоҳида таъкидлаб ўтдики, умуминсоний қадриятлар устиворлигига, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси тамойилларига, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга асосланган таълим сиёсатини тан олган ҳолда ўзаро ҳамкорликни рўёбга чиқариш айни муддаодир. Мақсад ҳар икки мамлакат ҳудудларида яшовчи халқларнинг маданият — таълимга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Шу мақсадда томонлар мактабгача таълим, умумий таълим, ҳунар-техника, ўрта ва олий педагогик таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Россия Федерацияси таълим вазирининг муовини Ю. М. Роговский ўз сўзида ҳар икки мамлакат маорифчиларининг кўп томонлама шартномалар асосидаги алоқалари таълим-тарбия ишини сифат жиҳатдан жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга, таълимнинг замонавий таянч базаларини яратишга, ташкилий-педагогик, ўқув-методик, илмий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширишга имкон беради.

Нотиқ ҳар икки давлатдаги таълим муассасаларида диққатга сазовор янгиликлар борлигини, Ўзбекистон маорифчиларининг миллий мактаб яратишдаги тажрибалари кўпмиллатли Россия маорифчилари учун ҳам қўл келиши мумкинлиги, шунингдек, таълим муассасаларини ўқув ускуналари, дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар, қўлланмалар билан таъминлашда битимлар асосида кўмаклашув масалалари хусусида тўхталиб ўтди. Бундай ҳамкорлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳурмат ва ишончни янада мустаҳкамлайди.

Учрашув давомида ҳар икки томон вакиллари тайёрлаган вазирликларнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома лойиҳаси муҳокама қилинди. Муҳокама давомида миллий таълим тизимларига қарашли барча таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилигини, томонлар ҳудудларида яшовчи этник гуруҳларнинг таълим эҳтиёжларини таъминлаш, ҳар икки томон ўқув муассасаларида таълим олган фуқароларга бериладиган маълумот ҳақидаги ҳужжатлар, дипломлар илмий даражаларининг эътироф этилиши, талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар, олимлар ва услубчилар малака оширишлари, тажриба алмашишлари каби кўпдан-кўп масалалар хусусида фикр юритилди.

Шу куни "Россия Федерацияси таълим вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома"ни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Шартномани Россия томонидан таълим вазирининг муовини Ю. М. Роговский, Ўзбекистон томонидан халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев имзоладилар.

Тантанали маросимда ҳар икки томон делегацияларининг аъзолари, вазирликларнинг масъул ходимлари, вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, журналистлар иштирок этдилар.

Шу куни Россия Федерациясидан келган делегациялар Ўзбекистон Республикаси Ўқув-методика марказида, Тошкент шаҳридаги "Ором" болалар боғчасида, бир қатор таълим-тарбия муассасаларида бўлдилар ва маориф янгиликлари билан танишдилар. Меҳмонларнинг Ўзбекистон таълим тизими фаолияти билан танишувлари давом этмоқда. Улар республикамизнинг вилоят ва шаҳарлари маорифчилари билан учрашадилар, ўзаро ҳамкорлик битимларини тузадилар.

Маҳкам РАҲМОНОВ

Муҳаррир сўзи

ИМТИҲОН ПАЛЛАСИ

СИНФДАН-СИНФГА КЎЧИРИШ ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ.

Кишилик тараққиётида шундай даврлар бўладики, оддийгина бир сўз уфқдан мўралаётган қуёш каби тобора юксак кўтарила бошлайди. Қуёш кўтарилгани сайин ёрқинроқ нур сочгандек сўзнинг маъно доираси ҳам теранлаша боради.

Тилимизда кўпинча оддийгина ифода этиб келинган "Имтиҳон" сўзи шундай каломлар сирасидан. Бу сўзга ҳаётимизда кўп бора дуч келганмиз: билим синови, етуқлик синови, муҳаббат синови, садоқат синови, ҳаёт синови. Ў кимнингдир қалбида ширин бир энтикиш уйготса, кимнидир жиддий хаёлга толдиради. Ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Ҳар киши тақдирида ўзича кечади.

Аммо бугун "Имтиҳон" сўзи биз учун истиқбол тақдиримизни боғлаб турган, ҳар қалбда алоҳида ва бутун бир халқ ҳаётида теран маъно касб этган каломдир.

Бугун ёш, мустақил Ўзбекистон нуроний, донишманд дунё синовидан ўтаётир. Жаҳоннинг донгил мамлакатлари бир-бир навқирон диёримизнинг иқтисодий қудрати, табиий имконияти ва маънавий салоҳиятини назардан ўтказаяпти, эътироф этаяпти. Америка, Англия, Германия, Франция, Хитой ва мана, ниҳоят, Япония. Билимдон Ғарб, Донишманд Шарқ. Шонли тарих қошида тийрак ўқувчилик қисмати, мустақиллик замонида содиқ фуқаролик тақдири, XXI аср остонасида юксак инсонпарварлик синови насиб этди бизларга.

Билимимиз, инсонийлигимиз, меҳр-оқибатимиз синовдан ўтаётир. Нарвоннинг энг юқори поясига чиқиш учун унинг энг қуйи поясига биринчи қадам қўйилади. Мустақиллик нарвонининг шундай қуйи пояси— бу мактаб. Мактаб миллий тараққиёт йўлида юксалиш пиллапоясидир.

Шу маънода саноқли кунлардан сўнг — май ойи охирида ва июнь ойининг биринчи ярмида бўлиб ўтадиган синфдан-синфга кўчириш ва битирув имтиҳонлари мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув масканлари ҳаётида масъулиятли палладир.

Албатта, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларида, биринчи галда, ўқувчиларнинг мактаб дастуридаги фанлардан олган билимлари синовдан ўтади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг республика умумий ўрта таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида 1993—1994 ўқув йилининг якуни, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш тўғрисида январь ойидаёқ қабул қилган ва жойларга жўнатилган қарорида бу ҳақда кенг, батафсил маълумот берилган эди. Унга биноан фан аълочилари, фанлар бўйича республика, вилоят ғолиблари мазкур фанлардан синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларидан озод этилдилар. Бу ўқувчиларнинг фанларни ўрганишга бўлган иштиёқларини оширганлиги табиийдир.

Мазкур қарорда синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини қайси фанлардан, қандай муддатларда ўтказилиши тўрт ой муқаддам белгилаб қўйилгани инобатга олинса, синов якунлари ҳар бир мактабда юқори даражада ҳамда уюшқоқлик билан ўтказилиши табиий туюлади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак. Болалар билимини адолатли синовдан ўтказиш кўп йиллардан бери оғир муаммо бўлиб келгани сир эмас. Ўқитувчиларимизнинг ўз фанларидан юқори ўзлаштиришга бўлган интилишларини тушуниш мумкин, албатта. Лекин илгарилари бу доим ҳам адолатли ҳал этиб келинган эди дея олмаймиз. Юртбошимиз ташаббуси билан абитуриентларни олий ўқув юртларига тест синовлари орқали қабул қилишнинг жорий этилганлиги ва бу усулнинг мактаб ҳаётига ҳам кириб келаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Ўтган йили бу янги усул Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани ва Гулистон шаҳри мактабларида қўлланган эди. Бу йил битириш имтиҳонлари тажриба тариқасида Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳамда Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида тест синови асосида ўтказилади. Ўтган йилдагидан муҳим бир афзаллик ўқувчиларнинг 50 фоизи ЭҲМларга имтиҳон топширадилар.

Шунингдек, мактабларга ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бу йил юқори синфларда синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларини тест синови асосида ўтказиш ҳуқуқи берилди.

Шундай бир вазиятда синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларида тест саволлари махфийлигини таъминлаш ғоят жиддий масаладир. Демак, бу йилги имтиҳонлар ўқитувчиларимизнинг ўз касбларига бўлган эътиқодларини ҳам синовдан ўтказиши шубҳасиздир.

Бироқ имтиҳонни ўқувчиларнинг у ёки бу фандан олган билимини баҳолашгина деб тушунмаслик керак. Имтиҳон жараёнида болалар тафаккур имкониятлари, қалб салоҳиятларини намоён эта олишлари лозим. "Улуғбек хазинаси" қаҳрамонларини номаном санай олган, аммо буюк мунажжим қатлидан эти сесканмаган ўқувчидан, қаҳрамонлар номини тўлиқ билмаса-да, машъум фожиа тасвирини ўқиб кўзи жиққа ёшга тўлган бола афзал эмасми? Бола наботот олами ҳақида бийрон сўзласа-ю, бир дона мева учун гилос шохини қайириб ташлашга ҳад қилса — бу унинг имтиҳондан ўтганини билдирадими?

Имтиҳон нафақат билим, балки инсонпарварлик синови ҳамдир.

Ниҳоят ўқувчиларнинг имтиҳон арафасидаги кайфиятлари ҳақида. Болаларимизнинг аксарияти шундай кунларда янги, тоза кийимлар кийишиб, гул кўтариб келишади. Ва бу назаримиздан четда қолмайди. Шу бизга муҳимдек туюлади. Аслида муҳимини унутиб қўямиз. Нега бир боланинг кўзлари чарақлаб турибди-ю, бошқаларининг нигоҳларида ҳавотир, ҳадик? Нега мана бу боланинг ручка тутган қўллари сезилар-сезилмас титраб турибди. Булар боланинг ўз билимига ишончсизлик белгилари эмасмикин? Булар муаллим дарс жараёнида назардан қочирган эътиборсизлик оқибати эмасми? Булар ота-оналаримизнинг кундалик турмушидаги лоқайдликлари натижаси эмасми?

Алқисса, имтиҳон жараёнида нафақат ўқувчи, муаллим, балки ота-оналар ҳам синовдан ўтади. Шунга эришиш керакки, токи ҳар бир ўқувчи имтиҳонни кўнгил хоҳиши сифатида қабул қилсин. Синов даври чинакам байрам руҳи касб этсин. Зеро, имтиҳон ойлаб, йиллаб қилинган ижодий меҳнат, иштиёқ самарасидир.

Диққат, тажриба!

ТЕЗКОР ТАЪМИРЛАШ

Балиқчиликлар ўтган йили мактаб ва боғча биноларини таъмирлаш, янги ўқув йилига тайёргарлик кўришни республикада биринчи бўлиб якунлашган, бунинг учун янги автобус билан мукофотланган эдилар. Бу йил эса маорифчилар янги ўқув йилини жуда кам маблағ сарфлаган ҳолда, баъзи бир енгил таъмирлаш ишларини ўтказиш билан кутиб олиш ниятидалар. Ҳозир юз фоиз боғча ва 80 фоиз мактаб жамоалари "Биз таъмир масаласида янги ўқув йилига тайёрмиз", деб туришибди.

— Бундай натижага тежамкорликни йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг мактаб жиҳозларини сақлашга бўлган масъулиятини ошириш ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш орқали эришдик,— деди район халқ таълими бўлими мудирининг муовини Қўчқорбек Мирзаахмедов.— Шунингдек, чакана таъмир ишлари йил давомида, мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларининг кучи билан олиб борилди.

Тумандаги аксарият эиё масканларида тадбиркорлик билан даромад ишлаб топиш яхши йўлга қўйилган. Бундай маблағлар мактабларнинг ўзига сарфланяпти. Ўқув даргоҳларига бириктирилган оталиқ ташкилотлари ҳам маблағ масалаларида ёрдамларини аяшмаяпти. Натижа ёмон эмас. Ўқув йили якунланиши арафасида мактабларда таъмир ишлари ҳам тугалланаяпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ВОДИЙДА НОДИРАХОНЛИК

Фарғона водийсида атоқли шоира Нодира таваллуди куни кенг нишонланди. Бобур номидаги Андижон давлат дорилфунунида шоира ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган анжуман бўлди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси А. Қаюмов, профессорлар А. Ҳайитметов, Ф. Сулаймонова, Ўзбекистон халқ шоирлари Э. Воҳидов, Ҳ. Худойбердиева ва бошқалар Нодира шеъриятининг ибратли жиҳатлари ҳақида гапирди.

Шаҳрихон шаҳридаги Нодира боғида, Қўқон шаҳридаги Ҳамза номидаги драма театрида қутлуғ сана муносабати билан нодирахонлик кечаси - шеърият ва санъат байрами бўлди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги ҳайъати кўчма йиғилиши

БОЁВУТ ТАЖРИБАСИ

• 14 май куни Вазирлик ҳайъатининг навбатдаги кўчма мажлиси Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Тараққиёт" жамоа хўжалигининг "Ёшлар маркази" йиғилишлар залида очилди. Унда иккита масала — халқ таълими соҳасида боёвутлик маорифчиларнинг иқтисодий ислоҳотларини амалга ошириш тажрибаси ҳамда Андижон, Жиззах, Сурхондарё вилоятлари халқ таълими бошқармалари тасарруфларидаги ташкилотларни педагогик кадрлар билан таъминлаш борасидаги фаолиятлари кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев очди. Даставвал вазир Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессияси ҳамда "Таълим тўғрисида"ги Қонундан келиб чиқадиган вазифалар, амалга ошириладиган ишлар, хусусан, Боёвут тажрибаси ҳақида бафуржа гапирди. Шундан сўнг Боёвут тумани ҳокими Ғафуржон Алиев, халқ таълими бўлими мудири Комилжон Шарофбоев, Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Светлана Ғуломова, "Тараққиёт" жамоа хўжалиги раиси Нуриддин Ҳотамов, 3-"Боёвут" ширкатлар уюшмаси директори Султон Раҳмонқулов тумандаги ибратга арзигулик ишлар ҳақида таҳлилий фикр юритдилар.

Нотиқлар таъкидлаганидек, кейинги икки йил мобайнида туман қишлоқларида кичик замонавий саноат тез суръатлар билан ривож топаяпти. Бунга таълимга катта эътибор берилгани туфайли эришилаяпти. Ўқувчиларнинг деярли барчаси янги замонавий мактабларда таълим олмоқдалар.

Мактабларга ҳомийлик масаласида "Тараққиёт" жамоа хўжалиги яловбардор бўлди. Мисолларга мурожаат қилайлик: ибн Сино номидаги 8-ўрта мактабнинг бутун жамоаси иссиқ овқат билан таъминланган. Хўжалик биргина 1993 йилда қурилиш, озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ва бошқа мақсадлар учун 16 миллион 197598 сўм пул ажратди. Бу йил туман хўжаликлари таълим-тарбия соҳасига 500 миллион сўм сарф-харажат қилишни мўлжаллаяпти.

Туман раҳбарлари маорифга сарфланган бир сўм пул эртага миллион сўм бўлиб қайтишини билишаяпти. Йил охирига бориб мактаблар қошидаги кичик корхоналар сони 100 тага етказилади. Бу бойлик туманнинг обрўси, фойдаси эмасми?

Яқинда туман ҳокими қарори билан 10 та мактабга ер майдони ажратилди. Энди, табиий равишда савол туғилади: ўғил-қизлар бундай меҳнатдан чарчаб қолишмайдими? Йўқ, асло! Қайтанга улар ҳаётда жуда асқотадиган касб-ҳунар эгаси бўлишади. Ҳам илм, ҳам ҳунар боёвутликларнинг бугунги кундаги шиоридир. Иккинчидан, ўқувчига эртанги кунини ўзи режалаштириш имкони туғилади.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган боёвутлик талабаларнинг йўл харажатини жамоа хўжаликлари кўтараяпти. Мактаб ер майдонини уруғлик билан, техникалар билан таъминлаш ҳам жамоа хўжалиги зиммасида. Хуллас, таълим-тарбия яхшиланса, барча-барчанинг иқтисоди яхшиланади.

Ҳайъат мажлиси иштирокчилари яна бир воқеанинг гувоҳи бўлишди. Шу куни Сирдарё вилояти халқ таълими бош бошқармасининг "Зиёкор" газетаси илк сони билан танишдилар. Биринчи саҳифада Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, вилоят ҳокими муовини Ҳамроқул Ризоқулов, халқ таълими бошқармаси бошлиғи Светлана Ғуломоваларнинг табриги эълон қилинган. Газета бош муҳаррири Б. Абдуллаев янги нашрнинг келажакдаги режалари ҳақида сўз юритган... Шундай қилиб, Сирдарё маорифчилари газетаси ҳаётга йўлланма олди.

Маърузалар тугагандан сўнг ҳайъат мажлиси иштирокчилари хўжаликдаги 8-ўрта мактабга йўл олдилар. Уларнинг диққатини мактабга кираверишдаги ойнаванд тахта ичидаги "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Туркистон", "Маърифат", "Сирдарё ҳақиқати" ва бошқа газеталарнинг янги сонлари жалб этди. Газеталар ҳар куни янгилаб турилар экан. Мана, ўқувчиларни янгилик билан таништиришнинг қулай усули, йўли.

Илм маскани биносига киришингиз билан мактаб маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси "Мураббий" рўзномаси ҳамда "Президентимиз — фахримиз" стендига дуч келасиз. Унда Ислом Каримов сурати, таржимаи ҳоли битилган сатрлар, Ўзбекистон харитаси, қасамёд матни, Президентимиз рисолалари ва у илгари сурган беш тамойил яққол кўзга ташланади. Шунингдек, деворларга мактаб ҳаётини акс эттирувчи 30 дан ортиқ номдаги деворий газеталар илинган.

Мактабнинг гилам ва атлас тўқиш, дурадгорлик, оёқ кийимларини таъмирлаш цехлари ҳамда новвойхона алоҳида бинода жойлашган. Дастгоҳларда ўғил-қизлар меҳнат қилишаяпти.

Ҳайъат мажлиси қатнашчилари ўқувчилар меҳнат намуналари билан Ҳамид Олимжон номидаги мактаб-интернат олдида ташкил этилган ярмаркада танишдилар.. Ўқувчилар ярмаркасида рўзғорда ишлатиладиган буюмлар, миллий кийимлар, дераза ромлари, сувоқчилик асбоблари, анор ва тол новдасидан ясалган нон саватлари билан танишган кишилар улар меҳнатига тасанно айтмасдан қолмайди.

Шу куни "Тараққиёт" жамоа хўжалигининг "Лола" болалар боғчаси очилиши маросими ҳам бўлди. Унда Жўра Йўлдошев нутқ сўзлади ва вазирлик номидан бу боғчага "КУВТ-Тошкент" компьютер мажмуасини совға қилди.

Ҳамид Олимжон номидаги 69-мактаб-интернатда бўлганимизда, бу жамоа "Ўз-ўзини бошқариш ва ўқувчилар мустақиллигини ошириш — давр талаби" шиори остида ишлаётганининг гувоҳи бўлдик. Ў ерда "Ўзбекистон" ва "Табиат" музейини кўрган киши ҳайратга тушади. Абу Али ибн Сино номидаги 15-интернат, У. Юсупов номидаги 40-, М. Горький номидаги 15-мактабда, Саманта Смит номидаги болалар боғчасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Хуллас, "Тараққиёт" жамоа хўжалиги бошлаган ташаббус туманга, вилоятга ёйилаяпти. Ҳайъат йиғилишининг якунловчи қисми Ҳамид Олимжон номидаги мактаб-интернатнинг "Дўстлик" боғида бўлди. Унда боёвутлик бир гуруҳ маорифчиларга "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкраг нишони ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Халқ таълими фидойилари

ДИРЕКТОРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Ҳожиакбар ака йўлланма билан ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига директор бўлиб келди.

Ўшанда бу ердаги аҳволни кўриб ҳангу манг бўлиб қолди. Ўқиш жойлари, устахоналар бетартиб, ҳовлию йўлкалар лой, деворлар чанг. Синф хоналарида стол, стул, парталар деярли йўқ, борларининг ҳам шалаги чиққан.

Янги директор чуқур хўрсинди. "Билим-касб маскани ҳам шунақа бўладими? Қандай жойга келиб қолдим", — хаёлидан ўтказди у. Чунки у илгари ишлаган шаҳар мактабида аҳвол батамом бошқача эди. "Ўша мактабга ўхшаган билим масканига айлантириб бўлармикан?"

Янги директор ишни бутун жамоани, ўқувчиларни билим маскани ҳудудини тартибга солишга даъват этишдан бошлади ва бу назоратини қатъий талаб қилди. Уни педагогик жамоа ҳам, ўқувчилар ҳам яхши тушунишди: тартиб-интизом бор жойда иш олга силжийди! Шундай бўлди ҳам. Қисқа вақт ичида бир нечта синф хоналари жамоа кучи билан бунёд этилди.

— Билим масканимизга бу ишларда оталиқ ташкилотлари раҳбарлари — Қибрай салқин ичимликлар комбинати директори Ғуломқодир Одилов ва бошқалар ёрдамларини аямадилар, — деб эслайди Ҳожиакбар ака. — Улар ўқув хоналари ва устахоналаримизни сифатли таъмирлашдан чиқариб бердилар.

Бу ишнинг бошланиши эди. Навбатда директорнинг янги режалари турарди. У педагогика кенгаши билан маслаҳатлашиб, ўқув ишлаб чиқариш комбинатини мактаб-лицейга айлантириш ғоясини ўртага ташлади. Таклиф ҳаммага маъқул тушди. Шу-шу 1990-91 ўқув йилидан бошлаб Улуғбек номидаги 45-лицей-мактаб фаолият кўрсата бошлади.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун соғлом, ҳар томонлама баркамол ва билимдон ёшлар керак. Бу шарафли иш масъулиятини дилдан ҳис этган мураббийлар жамоаси бутун маҳоратини намоён этиб, таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини оширишга интилмоқда. Айниқса, ёшларга ватанпарварлик ғояларини сингдириш, юртни севиш, уни кўз қорачиғидай асраш тушунчасини бериш уларнинг диққат марказида бўлаётир.

Янги турдаги мактаб мақомини олган бу лицей бир қатор олий ўқув юртлари билан шартнома тузишга эришди. Тошкент тиббиёт, педагогика, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик, меъморчилик ва қурилиш, темир йўл транспорти муҳандислари институтлари ва техника дорилфунуни маъмуриятлари билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар шулар жумласидандир. Эндиликда мазкур ўқув юртларининг энг малакали профессор-ўқитувчилари нафақат лицейга келиб, балки бевосита институтларнинг ўзида ҳам ўқувчиларга таълим беришаётир. Бу эса лицейда таълим олаётган ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишларига яхши имкон беради.

Лицей ўқувчиларида чет тилларни ўрганишга, айниқса, инглиз тилини ўзлаштиришга эҳтиёж катта. 10-11-синф ўқувчилари ҳафтанинг уч куни институтларда, қолган кунлари лицейда таълим олишади. Уларнинг ўзлаштириш даражаси қатъий назорат остига олинган.

1993-94 ўқув йилида тиббиёт институтига 22, темир йўл муҳандислари институтига 22, қишлоқ хўжалиги дорилфунунига 2, техника дорилфунунига 1, педагогика институтига 19 нафар ўқувчининг талабаликка қабул қилинишининг ўзиёқ лицейдаги таълим савиясининг нақадар пухталигидан далолат беради.

— Мени бир нарса — маҳаллий ёшлар орасида техника фанларига қизиқувчилар камлиги кўп ўйлантиради, — дейди Ҳожиакбар Ортиқхўжаев. — Бунинг сабабларини таҳлил этиб, шундай хулосага келдим: ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган аксарият мактабларда табиий фанлар юзаки ва саёз ўқитилади. Менимча, юртпарвар ҳамкасбларимиз шу масала устида кўпроқ бош қотиришларига тўғри келади.

Ўз меҳнат фаолиятини 1947 йилда бошлаган Ҳ. Ортиқхўжаев эндиликда жонкуяр педагог, ташаббускор раҳбар сифатида ҳурмат қозонган. У келажаги буюк давлатимиз учун соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялаш йўлида сидқидилдан меҳнат қиларкан, бу ишда ҳамиша педагогик жамоага, жамоатчиликка таянади.

— Жамоамиздан ачиллик, тотувлик кўтарилмаса бўлгани. Ишимизда ютуқ кўпаяверади. Лекин муаммоларимиз ҳам бор, — дейди директор. — Лицейимизда Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона вилоятларидан келган ёшлар ўқишади. Аммо улар хусусий уйларда ижарада яшашади. "Турон" жамоа хўжалиги икки йил илгари ётоқхона қурилиши учун ер ажратиб берган эди. Янги биноларни қуришга маблағ топа олмадик. Қанийди, манфаатдор ташкилотлар бу муаммони ҳал этишда бизга ёрдам беришса...

Бинобарин, ютуқлардан қувонган директорнинг ўзига хос ташвишлари ҳам бор. Бу ташвишларни енгиллаштиришда унга жамоанинг фаол аъзолари Раънохон Алимова, Хайринисо Файзиева, Музроб Ғофуров, Шавкат Қосимов сингари педагоглар ҳамкор бўлишаётир.

Ш. МАХСУДОВА

Миллий имло минбари

ИСТИҚБОЛЛИ АЛИФБО

Тошкент давлат техника университетида ўтказилган илмий-амалий анжуман янги ўзбек алифбосини ўрганиш ва давлат тилини ўқитиш муаммоларига бағишланди. Анжуман Тошкент давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилди. Уни олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов бошқариб борди.

Анжуман дастури икки қисмдан: Давлат тили қонуни амалиётининг илмий-назарий масалалари ҳамда Давлат тили қонуни ижросининг амалий усулий муаммолари: мулоҳазалар, таклифлар, истаклардан иборат бўлди.

Ўзбекистон давлат атамашунослик қўмитаси раиси О. Ёқубовнинг "Алифбо, имло ва атамашунослик муаммолари", ТошДТУ профессори Н. Ғуломованинг "Тил тараққиёти ва техник терминология муаммолари", ТошДУ профессори К. Назаровнинг "Истиқлол алифбоси — ўзбек тили (ёзуви) миллий ва жаҳоншумул нуфузини орттириш омили", ТошДУ профессори А. Алиевнинг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўқитиш хусусида", ТошДУ доценти З. Нуриддиновнинг "Кўп тилли терминологик луғатлар тузишда компьютердан фойдаланиш масалалари" каби маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Шунингдек, анжуманда тил ва экология, тил ва адабиёт, тил ва таржима, тил ва оммавий ахборот каби муаммоларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида янги алифбо ҳамда имлони ўрганиш ва ўқитиш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланди.

Мухбиримиз.

Суратда: Малика Абдураззоқова ўқувчилари билан. **Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.**

Синаб кўринг

ЎҚУВЧИЛАРИМГА ИШОНАМАН

Мен фарзандини суймайдиган бирон-бир аёлни учратмадим. Бироқ ишидан, турмуш ташвишларидан ортиб, бор меҳрини боласига бағишлай оладиган онани топиш тобора қийин бўлиб бормоқда. Шундай шароитда фақат умид мени қўллайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври кўпга чўзилмайди. Ўзбекистонимиз дунёдаги буюк давлатлардан бирига айланса, жамият аёллар — оналар меҳнатидан "воз кечар". Улар яна оилага "қайтиб", ўғил-қизларининг таълим-тарбияси билан кўпроқ шуғулланадиган бўладилар. Унда ўқитувчига иш қолмас экан-да, дерсиз. Асло!

Ривожланган, аёллар меҳнатига муҳтожлик сезилмайдиган Япония ёки Америкада ҳам ҳали ҳеч бир ота-она мактаб таълимидан воз кечмаган. Бинобарин, малакали педагогик таълим жамият тараққиётини таъминлаб турувчи муҳим чашмалардан ҳисобланади. Фақат ўқитувчининг оила ва мактаб тарбиясини бирлаштиришдаги ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатишни истайман. Содда қилиб айтганда, ўз ўқувчисининг ота-онасини мактабга жалб эта олмаган ўқитувчи муваффақият ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Ўрни келиб қолгани учун жамиятда кечаётган бир жараённи алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман. Мустақиллик шарофати билан ўз фарзандининг чуқур билим олиши учун ҳаракат қилаётган ота-оналар сезиларли даражада кўпайиб қолди. Буни тушуниш мумкин. Ҳатто Наполеон Бонопарт ҳам "Таълим — Франция-ни қутқаришнинг бирдан-бир елкани, вайрона ҳаётни қайта тиклашнинг асоси", деган экан. Бизнинг ота-оналаримиз ҳам дунё кезиб, фақат чуқур билимли фарзандларгина фаровон ҳаётни таъминлай олишларига тобора ишонч ҳосил қилмоқдалар. Иқтисодчилар инсон омилини юксалтиришга сарфланган сармоянинг энг катта фойда беришини аллақачон исботлаб берганлар. Ота-оналар бу аксиомани фарзандлари камолида ҳис эта бошлаган экан, нега энди биз ўқитувчилар уларга пешвоз чиқмаслигимиз керак?!

Яқин ўн беш йилдан бери Сирғали туманида аввал 104-ва ҳозир 301-ўрта мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаман. Синф ота-оналар қўмитаси ҳар доим энг яқин кўмакчим бўлган. Айрим ҳамкасабаларим, бу қўмита асосан синф хонасининг жорий ремонти-ю шу каби тадбирлар учун асқотади, деб айтишлари мумкин. Тўғри, мен ҳам шу масалада ота-оналар ёрдамига таянаман. Фарзандининг билимини ота-онага кўрсата билсангиз, юқоридаги каби "жорий ишлар" ҳеч кимга малол келмайди. Яъни ота-оналар қўмитасининг фаолияти синфни таъмирлашдангина иборат бўлиб қолмайди.

Хўш, бунга қандай эришиш мумкин?

Мен ҳар бир чоракда ўқувчиларим билан ота-оналарга ҳисоб бераман. Буни ота-оналар иштирокидаги очиқ дарс деса ҳам бўлади. Ўзингиздан қиёс-да, фарзандингиз саволларга бийрон-бийрон жавоб бериб турса, кўнглингиз тоғдай кўтарилади. Агар суст бўлса-чи? Кўпчилик олдида мулзам тортасиз. Албатта, қолоқ ўқувчининг онаси бўлиш сизга оғир ботади. Ана шундай дарслардан кейин кўп оналар ўғли, қизи билан уйларида қўшимча шуғулланадиган бўлишди. Тез-тез мактабга қатнаб туришди. Синфдаги умумий жонланиш тезда кўзга ташланиб қолди. Кейинги чоракда ўғлининг ёки қизининг яхши баҳосини кўриб, онанинг севинганини айтмайсизми. Уларнинг кўпчилиги билан опасингиллардек бўлиб кетганмиз. Бир синфда 30—35 ўқувчи бўлган бизнинг шароитда ота-оналар кўмагидан бу тарзда фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Энди икки оғиз сўз синфнинг умумий савияси, қолоқлар ва аълочиларнинг бир-бирига таъсири ҳақида. Ҳали айтганимдай, синфдаги 30—35 ўқувчининг учдан бир қисми ўрта ва суст ўзлаштирувчилар бўлиши табиий. Дарс суръатини аълочиларга мослаб ўтсангиз, сустларни суст босади, яна орқада қолиб, ўқишдан кўнгли совийди. Улар билан кўпроқ шуғулланса-нгиз, аълочиларга жабр. Айниқса, ҳар синфда тўрт-бештадан топиладиган иқтидорли болаларга ачинасан киши. Яхшиям мустақиллик шарофати билан бундай иқтидорли ўқувчилар учун турли лицейлар очилди. Қобилиятли болаларни алоҳида тарбиялаш кўлами кенгайиб бормоқда.

Бизнинг мактабда ҳам мана шу кенгчиликдан имконият даражасида фойдаланишга ҳаракат қилинаяпти. Мактаб директоримиз Маҳмуда Абдураҳмонова ташаббуси билан ўтган йилнинг май-июнь ойларида лицей синфлар учун ўқувчилар танлови ўтказилди. Синовдан яхши ўтган болаларнинг ота-оналарига ёз давомида фарзандларини ўқишга мустақил тайёрлашлари учун машғулотларнинг режалари тузиб берилди. Янги ўқув йили арафасида бу ўқувчилар яна синовдан ўтказилиб, энг қобилиятли болалар алифбосиз ўқийдиган синфга жамланди. Туман халқ таълими бўлими ҳамда шаҳар халқ таълими бошқармаси раҳбариятининг мустақил изланиш ва дарслар самарадорлигини ошириш учун мактаблар жамоатчилигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганидан фойдаланиб тажриба тариқасида ана шу ишга журъат этдик. Мана, ҳозир ўқув йили якунланиш арафасида. Тажриба-синов тариқасида бошлаган ишимиз яхши самара берганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Мактабимиз педагогик кенгаши яхши шароит яратиб берганини таъкидлаб ўтишим жоиздир. Ҳамкасбларим ҳам ёрдамларини аямадилар. Айниқса, шаҳар халқ таълими бошқармаси қошидаги методика кабинети иш услуби, бошқа мактаблардаги анча шаклланган лицей синфларда ташкил этган семинар-машғулотлар менга ниҳоятда қўл келди. Ўқувчиларимнинг ота-оналари одатдагидек энг яқин кўмакчиларим бўлишди.

Бир йилда икки синф дастурини ўзлаштириб олган бу тийрак болаларда Ўзбекистонимизнинг эртанги куни, умиди жамланган. Тинчлик бўлиб турса, турмушимиздаги ҳозирги етишмовчиликлар тезда барҳам топади. Ҳукуматимизнинг халқ таълими сохасига жаҳондаги энг ривожланган давлатлар даражасида маблағ ажратиш учун имкониятлари кенгайиб бораверади. Ўзбекистонимизни жаҳондаги буюк давлатлар сафига олиб чиқиш учун кураш ҳал қилувчи паллага кирган дамларда менинг вақтдан ўзиб ўқиётган 24 ўқувчим олдинги жабҳаларда бўлишига юракдан ишонаман.

Малика АБДУРАЗЗОҚОВА,
Сирғали туманидаги 301-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

"Маърифат" хабарлари

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Республика Ўқув-методика марказида "Физика ва математика фанлари чуқур ўрганиладиган синфлар муаммолари" мавзусида иккинчи республика назарий-амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Б. Қодиров очди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти физика ва астрономия ўқитиш методикаси лабораториясининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Б. Мирзаахмедовнинг "Ўзбекистон мактабларининг физикани чуқур ўрганувчи синфларида ўқитишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш йўллари", республика Ўқув-методика маркази физика-математика бўлимининг бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Г. Сафаеванинг "Табақалаштириш шакллари", Тошкент давлат педагогика институтининг катта илмий ходими, физика-математика фанлари номзоди, доцент М. Маматазимовнинг "Физика-математика чуқур ўрганилаётган мактабларда астрономия таълимининг мазмуни ва уни ўқитишдаги муаммолар" мавзуидаги маърузаларини ва турк лицейининг физика ўқитувчиси Шохон Бакир Юксалнинг "Ўзбек-турк лицей-мактабларида физика-математикани чуқур ўрганишнинг аҳволи ҳақида"ги ахборотини тинглашди.

Сирожиддинов номидаги лицей-интернат директори, профессор М. Мирзаахмедов "Ҳозирги янги типдаги мактабларда математика фанини ўқитишга доир фикр ва мулоҳазалар ҳақида", Сирғали туманидаги 300-лицей-мактабнинг математика ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди, доцент Б. Эшмаматов лицей дастури, фойдаланиладиган адабиётлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Маърузалар юзасидан савол-жавоб ва фикр алмашувлар бўлди.

Семинарнинг иккинчи куни физика, математика фанлари чуқур ўқитиладиган синфлардаги ўқув жараёни билан танишиш мақсадида 300-лицей-мактабдаги очиқ дарслар кузатилди.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
олий тоифали ўқитувчи.

МЎМАЙ ДАРОМАД МАНБАИ

Иштихон туманидаги 43-мактаб 1985 йилда ташкил этилган. Ўша даврданоқ мактаб ҳудудига 4000 дан ортиқ иморатбоп, 500 дан зиёд турли мевали дарахт кўчатлари экилганди. Мактаб ёш табиатшунослари дарахтларни меҳр билан парвариш қилишди. 1994 йилга келиб вояга етган 1120 туп иморатбоп дарахтдан 7 миллион сўм даромад олинди. Мазкур маблағ мактабни газлаштириш учун мўлжалланяпти.

У. МАҲМУДОВ.

ТИЛ БИЛГАН-ЭЛ БИЛАР

Республика Ўқув-методика маркази Тошкент давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда "Жумҳуриятда шарқ тилларини ўқитишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш" мавзусида семинар-кенгаш ўтказди. Икки кун давом этган семинар-кенгашда мактаб ўқитувчилари, тилшунос олимлар ва талабалар иштирок этдилар. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ректори Н. И. Иброҳимов таъкидлаганидек, бугунги кунда тил билмоқ ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун жумҳуриятда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, институт 20 дан ортиқ мамлакат билан алоқа ўрнатган. 400 га яқин одам чет элларда хайрия жамғармаси орқали малакасини оширмоқда. Америкалик мутахассислар тест синовлари орқали билимдон ўқувчиларни ўқитиш учун саралаётган бир даврда 15 талабамиз билим олиш учун Қувайтга жўнаб кетди.

Республика Ўқув-методика маркази директори Шомухтор Шомансуров шарқ тилларини ўқитиш борасидаги зарур дастурлар ҳақида сўзлади. Шарқ тилларини ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти С. Аҳмедов, Араб филологияси кафедрасининг мудири А. Абдужабборов ва институт катта ўқитувчиси И. Усмоновлар хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид муҳим таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Семинар-кенгаш иккинчи куни Тошкентдаги 29-мактаб биносида давом этди.

У. АБДУАЗИМОВА.

ТАШКИЛОТЧИ ТАШАББУСИ

"8-Март" мактабининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Эргаш Жўраевдан ўқув маскани жамоаси ҳам, ота-оналар ҳам хурсанд. У мактабда ўқув-тарбия ишларини кучайтириш билан бирга ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият беради.

Э. Жўраевнинг ташаббуси билан яқинда мактабда гилам тўқиш цехи ташкил этилди. Меҳри Абдураҳмонова раҳбарлигида ўқувчилар ип йигириш ва бўяшни ўрганишгач, ўрмак тўқиш жиҳозлари ўрнатилиб, гилам тўқишга киришишди. Юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқараётган гиламлар кўзни қувонтиради.

Х. СОЛИҲОВ.
Ғузор тумани.

Бизга жавоб берадилар

ЯНГИ ДИРЕКТОР ТАЙИНЛАНДИ

Таҳририятимизга Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги Абдулла Қодирий номидаги 1-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари мактуб йўллашиб, унда раҳбарлари Х.Тангриев бошқа ишга ўтгани сабабли мутахассис бўлмаган Г.Очилова мактаб директори қилиб тайинлангани, жамоа эса бундан норози эканлигини маълум қилишганди.

Мазкур шикоят хати текшириш учун вилоят халқ таълими бошқармасига юборилганди. Бошқарма бошлиғи Э.Тангиров имзоси билан юборилган расмий жавоб хатида жумладан қуйидагилар ёзилган: "Ангор туманидаги А. Қодирий номидаги 1-мактабнинг собиқ директори Х.Тангриев бошқа ишга ўтганлиги сабабли мактабга туман алоқа бўлимининг газета ва журналлар бўйича бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келган, маориф соҳасида етарли тажрибага эга бўлмаган Г. Очилова туман ҳокимлиги тавсияси ва туман халқ таълими бўлими қарорига асосан 1993 йил 15 декабрдан директорлик лавозимига тайинланган. Г.Очиловани шу вазифага тайинлашда вилоят халқ таълими бошқармасининг розилиги олинмагани учун уни бошқа ишга ўтказиб, мактаб директорлигига педагогикада 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Б.Ҳаитов тайинланди".

Бухоро вилоятида сўнгги 2—3 йил ичида халқ таълими соҳасидаги долзарб муаммолар қай даражада ҳал этилаётир? Мактаб таълимининг жаҳон стандартлари даражасига — техникалашган, компьютерлаштирилган, автоматлаштирилган таълим даражасига кўтаришга қодир ижодкор ўқитувчиларнинг изланишлари қандай бўлмоқда? Шу каби қатор саволларга яқинда бўлиб ўтган вилоят педагогик ўқишларида жавоблар изланди. Бу сафарги педагогик ўқишлар "Таълим-тарбия шакл ва мазмунини такомиллаштиришда янги педагогик технологияни татбиқ этиш муаммоси" бош мавзуида ўтказилди. Унда вилоятнинг 450 мактабидан келган маърузачи-ўқитувчилар, халқ таълими бошқарувининг раҳбарлари, ташкилотчилари, вилоят ҳокимлиги вакиллари, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти мутахассислари қатнашдилар.

ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИК КЎРИГИ

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Бахронова "Халқ таълими муассасаларида таълим-тарбия тизими ва мазмунини янги педагогик технология асосида такомиллаштириш масалалари" хусусида маъруза қилди.

Ялпи йиғилишдан сўнг педагогик ўқиш қатнашчилари фанлар ва педагогик соҳалар бўйича алоҳида-алоҳида тузилган 23 шўъбада иш олиб бордилар, кўплаб маърузалар тингланди. Бу маърузалар "Илғор педагогик тажрибалар" номи билан қитоб шаклида ҳам нашр қилиниши режалаштирилди.

Б. НАСРИДДИНОВ,
Бухоро вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг илғор педагогик тажрибалар бўйича услубшуноси.

БОҒЧАДА КУТУБХОНА

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги шаҳар сув бошқармасига қарашли "Наврўз" номли 484-болалар боғчаси тарбиячилари ўзларининг янгича иш услублари ва ташаббуслари билан кўпчилик эътиборини қозонмоқдалар. Маъмура Миряҳёева, Фарида Исҳоқова, Ўлмас Алимова, Наталья Матвеенко сингари меҳрибон ва ширинсўз опажонлар кичкинтойларда меҳнатсеварлик кўникмаларини ҳосил қиляптилар, ҳалоллик, дўстлик, меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини тарбияламоқдалар, китобга, ўқишга ҳавас уйғотмоқдалар.

Яқинда боғчада қувончли воқеа бўлди: беш минг нусха китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона очилди. Бу кутубхонадан энди тарбиячилар ўзлари учун энг зарур қўлланмаларни олиб фойдаланишлари, кичкинтойлар эса "Камалак", "Чўлпон" нашриётларининг совғалари билан танишишлари мумкин.

Боғча кутубхонасининг очилишига бағишланган йиғилишда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Маданият институти профессори Малик Муродов, болалар шоири Ҳамза Имонбердиев, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларининг ходимлари ва ота-оналар ҳозир бўлишди. Болалар ижросидаги қуй-қўшиқлар, шеърлар гулдастаси барчани хушнуд этди.

З. ТЎЛАГАНОВА.
Суратда: боғчада кутубхона очилишига бағишланган тантанадан лавҳа.
К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

Яқинда Қарши шаҳридаги 6-ўрта мактабда Мирзо Улуғбек ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими М. Маҳмудов, вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи П. Бердиев, шаҳар халқ таълими бўлими мудираси М. Қодирова ва бошқалар иштирок этдилар.

Улуғ аллома Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида шу мактабнинг тарих ўқитувчиси С. Мақсудова маъруза қилди. Сўзга чиққанлар буюк бобомиз мероси, фарзандлар таълим-тарбияси хусусида атрофлича гапирдилар, мазкур ёдгорлик шу мактаб ўқитувчиси Баҳодир Анваров томонидан юксак маҳорат билан ишланганини қайд этдилар.

Шу куни илм масканида "Жонажон Ўзбекистоним" деб номланган музей ҳам очилди.

Х. ҒОЙИБОВ.

Иқтисодиёт сабоқлари

ДАВР ЗАРУРАТИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда юз берган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1993 йил 19 августдаги буйруғи асосида 1993—1994 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг юқори синфларида мактаб ихтиёрига ажратилган соатлар ҳисобидан ҳафтасига бир соатдан ўқувчиларга иқтисодий билимлар ўқитилиши ҳақида кўрсатма берилди.

"Иқтисодий билимлар асослари" курсининг ўқитилишидан мақсад ўқувчиларга иқтисод алифбосини ўргатиш ва мустақил иқтисодий фаолиятга тайёрлашдир. Зотан, янги курснинг жорий қилиниши ёшларни касб-ҳунарга йўллаш, уларга юқори синфларда махсус касб тайёргарлигини ўтиш, иктисодий тафаккурнинг шаклланишига, янгича фикрлашга ўргатишга қаратилган. Бу айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунида қўйилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Биз мазкур мақолада "Иқтисодий билим асослари" курсидан ўғил-қизларга таълим бераётган муаллимларга ёрдам тариқасида мустақил Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг баъзи масалалари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Саксонинчи йилларнинг охирига келиб собиқ Иттифоқ таназзулга юз тутди. Мутахассисларнинг 1989 йилда олиб борган ҳисоб-китоблари Иттифоқ халқларининг жон бошига тўғри келадиган йиллик ўртача даромади ривожланган Ғарб давлатлари эришган даражанинг 10 фоизини ташкил этганлигини кўрсатди. Яъни 1989 йилда собиқ иттифоқ бўйича ишлаб чиқарилган жами ижтимоий маҳсулот 500 миллиард долларни ташкил этди. Бу Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулотдан ўн баравар кам эди. Пулнинг қадрсизланиши 1990 йилга келиб 40 фоизга етдики, бу иқтисодий инқирознинг бошланишидан далолат эди. Иқтисодий инқироз ой сайин чуқурлашиб борарди. Бу айни пайтда иттифоқ таназзулидан далолат ҳам эди...

Ана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Биз асрлар бўйи орзу қилган ниятимизга эришдик. Аммо бу мустақиллик сиёсий мустақиллик бўлиб, иқтисодий мустақил бўлиш учун бутун халқ хўжалигини қайтадан тиклаш, истиклол мафкурасини яратиш, ташқи дунё билан алоқаларни янгича, мустақил давлат сифатида юритиш, бу борада мустамлака асоратларидан тинкаси қуриган халқни қийнамай ёруг кунларга олиб чиқиш лозим эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати тангликдан чиқиб кетишнинг ягона йўли бозор иқтисодига ўтишдир, деган қарорга келиб, унинг дастуриламалини ишлаб чиқди. Бу дастурлар тўлалигича президент Ислом Каримовнинг китобларида ўз ифодасини топди.

Дастурнинг мағзи ва моҳияти, унинг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади? Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишнинг замини нимада? Бунга жавобни "Бозор нима ўзи? У янгими ёки кўҳнами?" саволларидан бошлашга тўғри келади.

Тарихдан маълумки, Марказий Осиё ҳудудида яшовчи халқлар, шу жумладан, ўзбеклар Оврўпо давлатлари фуқаролари ҳали олди-соттини англаб етмасдан даврдаёқ бозор-ўчарни, унинг қонун-қоидаларини яхши билганлар. Аждодларимиз узоқ ўтмишда туяларга мол юклаб мағрибдан машриққача чўл-биёбонларни кезиб, савдо билан шуғулланганлар. Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтган "Буюк ипак йўли" бунга ёркин мисолдир.

Демак, бозор азал-азалдан сотувчи билан харидор ўртасида товарга товар ёки товарни пулга айирбошлаш жойидир. Товар деганда фақат буюмни эмас, балки хизмат турларини, ишлаб чиқариш воситалари, қимматли қоғозлар, илмий ғоялар, техникавий ишланмалар, иш кучи ва бошқалар тушунилади. Бозор тушунчаси замирида эса жуда катта иқтисодий ва сиёсий тадбирлар ётади. У улкан, кенг қамровли ислоҳотни талаб этади. Бундай ислоҳот халқ хўжалигининг барча соҳаларини, ҳуқуқ-тартибот тизимлари, эркинлик, инсонпарварлик, ҳатто мафкура, урф-одатлар ва турмуш тарзининг кўп қирраларини қамраб олади.

Бозор иқтисодига ўтиш турли мамлакатларда турлича кечади. У асосан икки йўл билан — инқилобий ва эволюцион йўл билан амалга ошади. Республикамиз ҳукумати инсонпарварлик ғояларига содиқ қолган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлади.Чунки бу йўл аҳолини қийнаб қўймай, босқичма-босқич ўтишга асослангандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларида ислоҳотни амалга ошириш, бозор иқтисодига ўтишнинг беш асосий йўналиши, тамойили белгилаб берилган. Чунончи, биринчи йўналиш иқтисодиётни сиёсатдан, мафкура ақидаларидан холи қилиш, иккинчиси, ислоҳотни давлатнинг ўзи амалга ошириши, учинчиси ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг ҳукмронлигини таъминлаш, яъни ҳуқуқий давлат барпо этиш, тўртинчиси, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва ниҳоят, бешинчиси, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдан иборатдир.

Мазкур тамойилларнинг ҳар бири ўзича алоҳида мавзудир. Умумий тарзда оладиган бўлсак, ҳозирнинг ўзида бозор муносабатларининг ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилди, хусусийлаштириш жараёни жадал боряпти. Бозор талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш ва банк тизими шаклланаётир. Ташқи иқтисодий алоқалар йўлга тушмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг Ашгабат учрашуви ва унда қабул қилинган ҳужжатлар, саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро уюшмасининг Тошкентдаги йиғини, Президентимизнинг Қозоғистон ва Сўнг Қиргизистон билан очиқ иқтисодий ҳудуд тўғрисида тузилган шартномалари, Россияга расмий сафари чоғида қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Айни пайтда мустақил Республикамизнинг собиқ Иттифоқ ҳудудидаги жумҳуриятлар билан ҳам савдо-саноат алоқаларини янгилаш, ўз миллий валютамизга ўтиш борасида олиб бораётган ишлари, солиқ тизимини тартибга солиш, чет эллар билан қўшма корхоналар қуриш йўли билан сармоядорларни жалб қилиш ва бошқа қатор тадбирлар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлатишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциянинг бир йиллиги муносабати билан юртбошимиз сўзлаган нутқда таъкидланганидек, "Бозор иқтисодига ўтиш бирдан-бир мақсад эмас, Конституцияда белгилаб қўйилганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш тамойиллари асосида амалга ошириши шарт". Зотан, бозор иқтисодига ҳеч қандай буйруқ, бюрократик бўғинларнинг палапартиш қарорлари тўғри келмайди. Уни бозор қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли манфаатларига мослаштириб олиб бориш зарур. Биринчи галда мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга, мулкчиликнинг турли шаклларини жорий этишга, омманинг ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига кенг йўл очиш лозим. Ана шу мақсадда ҳозирнинг ўзидаёқ талай ишлар амалга оширилди. Иқтисодиётнинг турли жабҳаларида хусусийлаштиришга оид 20 дан зиёд дастур қабул қилинди. Маҳаллий саноат, савдо, умумий овқатланиш,маиший хизмат соҳаси корхоналари деярли хусусийлаштириб бўлинди. Кичик ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш билан бирга енгил саноат, транспорт, қурилиш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига қарашли 420 дан зиёд корхона хусусийлаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ислоҳот жадал боряпти. Жумладан, 715 давлат хўжалиги, 325 та жамоа хўжалиги, 300 га яқин кооператив, юзга яқин ижара хўжалиги қайта ташкил этилди. 735 та чорвачилик фермаси акционерлик жамиятига айлантирилди. 6,5 мингдан зиёд фермер хўжалигига 65 минг гектардан кўпроқ ер ажратиб берилди.

Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ўзининг илк самараларини бера бошлади. Ҳозирнинг ўзида қишлоқ хўжалигининг аграр хусусий тармоғи аҳолига етказиб берилаётган сутнинг 70 фоизини, картошканинг 40 фоиздан ортиғини, жами сабзавот маҳсулотларининг ярмидан кўпини бераётир. Бу кўрсаткичлар бундан ҳам юқорироқ бўлиши мумкин эди. Бироқ жойларда ҳали ҳам тамойиллар ва йўриқномаларга ёпишиб олган, оғзида ислоҳот тарафдори бўлиб, амалда унга тўғаноқ бўлаётган кишилар борлиги ишнинг белига тепмоқда. Бунга Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги аҳвол яққол мисолдир. Ҳар ким экканини ўради, деганларидек, ҳар икки вилоят раҳбарлари ҳам тегишли танбеҳларни олдилар. Президентимиз хусусийлаштиришнинг бориши масаласини яқинда махсус кўриб чиқиб, салбий ҳолатларга барҳам берадиган махсус фармон эълон қилганлиги бозор иқтисодини янада жадаллаштиришга йўл очди.

Бозор иқтисодиёти мамлакатнинг ички ишигина эмас, балки халқаро миқёсларни ҳам қамраб оладиган тадбирдир. Халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъективи бўлиб олган мустақил Ўзбекистон жаҳоннинг 70 дан зиёд мамлакати билан дипломатик алоқа ўрнатди. Тошкентда қиррка яқин давлатнинг элчихона ва ваколатхоналари ишлаб турибди. Жумҳуриятимиз ташқи муносабатларда очиқ, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлидан боряпти. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг икки йили мобайнида кўпгина обрўли халқаро жамият, иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жаҳондаги деярли барча давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди.

Ташқи савдо бозор иқтисодига ўтишда ҳал қилувчи ўрин тутади, албатта. Ҳозир Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти йилига салкам бир ярим миллиард долларни ташкил этмоқда.Жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакат билан фирма ва ширкатлар доирасида алоқа ўрнатилган.

Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқишнинг энг қулай ва арзон йўлларини қидиришда давом этмоқда. Маълумки, шўролар ҳокимияти йилларида Марказий Осиё жумҳуриятлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам фақат Россия орқали, тўғрироғи, Марказ рухсати билан халқаро бозорга чиқиши мумкин эди. Шу боис бизнинг мустақил республикамизнинг ташқи алоқаларида жуда катта қийинчиликлар пайдо бўлиб турибди. Республика ҳукуматининг бу мушкулликларни бартараф этиш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари билан Тажан — Серахс янги темир йўл қурилишида қатнашиляпти. Бу йўл Хитой пойтахти Пекинни Истанбул билан боғлайдиган Трансосиё магистрали бўлиб қолади. Каспий денгизи соҳилидаги Оқтов бандаргоҳини тиклаш, Хитой орқали Покистонга чиқиш имкониятини берадиган Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар йўли ҳамда Ҳинд океанига йўл очадиган Термиз—Ҳирот—Карочи автомобиль йўллари қурилишида қатнашиш режалари ҳам бор. Бу йўлларнинг барпо этилиши Ўзбекистонга Оврўпога, Форс кўрфазига, Ҳинд ва Тинч океанларига чиқиш имкониятларини беради. Бу, ўз навбатида Оврўпо давлатлари билан савдо-саноат алоқаларини олиб боришга кенг йўл очади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун халқаро банк ва молия тизими орқали алоқа алоҳида аҳамиятга моликдир. Мамлакатимиз шу кунларда бу соҳада зарур ишларни олиб бормоқда. У халқаро валюта фонди, жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Оврўпо қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида бир қанча лойиҳаларни тузишда қатнашмоқда. Президентимиз ўтган йилнинг охирида Буюк Британияга қилган расмий сафари чоғида мазкур банк билан битим имзолади. Ушбу битимга кўра Республикада ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш ва олтин қазиб чиқарувчи "Ньюмонт—Зарафшон" қўшма корхонасининг молиявий таъминоти учун 160 миллион доллардан зиёд маблағ ажратиладиган бўлди.

Жумҳуриятимиз банк тизими кейинги икки йил мобайнида жаҳондаги йирик банклар билан ҳамкорликка киришди. Жумладан, машҳур Дойче-банк, Малаян банк, Креди коммерсель де Франс каби нуфузли банклар билан молиявий алоқалар боғлади. Бундай банкларнинг сони бугунги кунда 70 дан ортиб кетди.

Бу борада яна бир қатор мисолларни келтириш мумкин.

"Иқтисодий билим асослари" курсини ўқитишда муаллим мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг узлуксиз устивор йўналишларининг бири—халқни ижтимоий ҳимоя қилиш эканлигини, у имконият даражасида амалга оширилаётганлигини рўй-рост тушунтириб, мисоллар билан исботлаб бериши зарур. Бунда мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки мен ўзим мустақилликни мустаҳкамлаш учун нима иш қилдим, деган сўроқни ҳам бериш шарт.

Ўзбекистонда амалга ошаётган ислоҳот жараёнида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уни ўтиш даври қийинчиликларида ёлғизлатиб қўймасликка асосий ўрин берилаётир. Бу иш ҳақи ва нафақаларнинг энг оз миқдорларини кафолатлашда, ҳаётий муҳим неъматларни меъёрланган нархларда сақлаб туриш ва зарарини бюджетдан қоплашда, талабалар, ўқитувчилар учун имтиёзларда, мактаб болаларига бепул нонушталар берилиши кабиларда намоён бўлмоқда.

Иқтисодий ислоҳотнинг моддий жиҳатлари ривожига одамларнинг миллий мафкураси ҳам таъсир этмай қолмайди. Биз шу пайтгача коммунизм қурувчисини тарбияламоқчи бўлдик.Бироқ бу гапларнинг ҳаммаси омманинг туб манфаатларини, унинг инсоний қадр-қимматини четлаб ўтиш учун бир баҳона эди, холос.

Халқимизнинг ибратли ҳикмати бор: "Ёмон замонлар ўтиб кетади, бироқ ёмон тарбия кўрган одамнинг яхшиланмоғи қийин". Ҳа, эртами, индинми, иқтисодий аҳвол яхшиланиб кетади. Бироқ юз йиллар нарисида халқимиз онгининг заҳарланиб келиши, миллий зулм, мутелик психологияси, бой берилган имон-эътиқод тикланиши учун қанча вақт керак? Биз педагогларнинг, мураббийларнинг зиммамизда янги инсонни психологик жиҳатдан тўғри тарбиялашдек мураккаб вазифа турибди. Президентимиз айтганидек: "Миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ керак... Янгича эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик балосидан қутулган, мустақил инсонни тарбияламоқ учун тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак. У тарбиялаган янгича фикр соҳиби фақат ўз бойлигини орттиришни эмас, ватан бойлигини орттиришни ўйламоғи зарур".

Айни пайтда мустақил Республика фуқаролари ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, конституцион бурчларини англаб етадиган, қонун ва дастурларни пухта биладиган инсонлар бўлмоғи керак. Бундай тарбия ўғил-қизларга мактабда, боғча ва яслиларда берилади ва уларнинг комил инсон бўлишида таянч замин бўлиб қолади. Шу боисдан юртбошимиз ўқитувчилар ва мураббийлар олдида турган вазифалар нақадар мураккаб ва хайрли эканини алоҳида таъкидлаб: "...қадим замонлардан бери бизнинг табаррук заминимизда тарбиячилар билан табиблар энг иззатли ва энг мўътабар инсон саналган. Шундай экан, бугунги сиёсатимизда ота-боболаримизнинг ана шу олижаноб анъаналарига содиқ қолиб, ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга даҳлдор инсонларга биринчи навбатда қўлдан келганча эътибор кўрсатиб, уларга эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш—давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Бу келажаги буюк давлатнинг, эркин ва фаровон яшашга интилаётган жамиятнинг пойдеворига тамал тоши қўйиш билан баробардир",—деб уқтирди. Тарбиячилар, муаллимлар учун берилган бу юксак баҳо педагогларни ўз ишига янада масъулият билан қарашга даъват этади, албатта.

А. САЙФУТДИНОВ,
Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
Ш. ҚОСИМОВ,
кафедранинг катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 15-ҳунар-техника билим масканида тикувчи, ҳисобчи, тракторчи, чорвадор, ошпаз, тарбиячи касблари ўргатилади. Билим юртининг ўқув-ёрдамчи хўжалиги ҳам бор. У ерда ёшлар амалий машғулотлар ўтишади.

Суратда: Тикувчилик гуруҳи устаси Матлуба Раҳмонова гуруҳ аъзоси Дилрабо Атхамовага чокни қандай тикиш юзасидан маслаҳат бераётир.

Алимурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Олий нишон соҳиблари

БИЗНИНГ САФАР АКАМИЗ

Сафар Хонназаровнинг асл касби муаллимлик. 40 йил халқ таълими соҳасида ишлаган.Аллақанча нишонлар кўксини безаб турибди. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. Муаллимлик соҳасида эришган ютуқлари алоҳида китоб қилишга арзийди. Лекин унинг мухбирлик фаолияти ҳам алоҳида бир мавзу.

У қачон муҳарририят остонасидан ҳатлаб ўтмасин, ҳаммамизнинг кайфиятимиз кўтарилиб кетади. Чеҳрасида нур бор. Ниҳоятда ҳазилкаш ва хушчақчақ. Аввалига унинг суҳбатидан баҳраманд бўламиз. У ёқ-бу ёқдан беш-ўн дақиқа гап бергач, ҳаммамизга таниш бўлиб қолган эскигина папкани ҳафсала билан оча бошлайди. Папка очиляптими, демак, ичи бўш эмас: албатта, янги мақола ёки шеър бор. Мақола келтирган бўлса: "Ўзларинг ёзганларимга тўн кийдирасизлар, керак бўлса, тарашлайсизлар, мен бор гапни обкелдим, холос..." деб қўяди. Мақоласига "тўн" ёки "салла" кийдирамизми, кийдирмаймизми, кўпинча ёзганлари тўхтовсиз босмахонага тушади. Шеър келтирса ҳам ҳазил гапини қўймайди: "Туроғи бузилган бўлса, сўроғини мен бераман. Илҳом париси келиб қолганда янгангизниям унутиб юбораман..."

Бизнинг Сафар ака ана шундай ҳазилкаш киши.

У раҳматли Шароф Рашидов ҳузурида ҳам бўлган.

— Нима учун нуқул танқидий мақола ёзасиз?— деб сўрабди Ш. Рашидов кулимсираб...

— Нима қилай, ўғриларни кўриб-билиб турган бўлсам...

— Қаламингиз яхши экан, фақат ўғриларни эмас, тўғриларни ҳам кўпроқ ёзинг,— дебди Шароф ота. Сўнгра у ишининг қутлуғ имзоси билан бир ноҳақликнинг олди олинибди.

Яқиндагина бўлган бошқа бир воқеа. Сафар ака республика уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси, Меҳнат Қаҳрамони Бектош Раҳимовни туғилган куни билан қутлагани борган экан. Қараса, нуқул боббў одамлар. Сафар ака-чи, узоқ Нарпайдан келган бўлса, нафақадаги киши, бир томони йўл харажатларини айтинг... Топгани шеър бўлибди. Ҳаммани ўзига қаратиб, жўшиб-жўшиб ўқиб ташлабди. Бектош ака эса ёшликдан қадрдон дўсти ҳисобланган Сафар акадан хурсанд бўлиб, унга бошданоёқ сарупо совға қилибди. Энди Сафар ака кулиб юрибди: "Аслида юбилярга мен совға олиб боришим керак эди, лекин совғалик бўлиб қайтдим!"

Сафар ака ўзидек ташаббускор, ташкилотчи кишиларнинг саъй-ҳаракатлари билан Зирабулоқ темир йўл станциясида, "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасида чиройли музейлар ташкил этишга бош-қош бўлган. Нарпай туманининг 65 йиллиги олдидан Мирбозор қўрғонида қурилган музейни нодир экспонатлар билан бойитишда тиним билмади, десак лоф бўлмас. Ҳатто "Пахтакор овози" рўзномасининг музейини ташкил этишда ҳам унинг хизматлари катта. Неча кунлаб рўзнома музейида ишлади...

Аллақачон 70 ёшдан ошган, сочлари қировдек оппоқ бу инсон шунча ғайрат-шижоатни қаердан оларкан, деб ўйлаб қоламан баъзида.

Ҳа, бизнинг Сафар ака ана шундай ишчан киши. Меҳнатлари билан эл-юрт назарига тушган, юртбошимиз фармони билан биринчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланган инсон. Нарпай туманида биринчи бўлиб шундай юксак мукофотга сазовор бўлиш ҳазилми!

Бўш келманг, белни маҳкамроқ боғланг, Сафар ака!

Тошпўлат ТОШМУРОДОВ,
"Пахтакор овози" рўзномаси муҳаррири.

ОНА ТИЛИМ — ОНАДЕК АЗИЗ

Шайхонтоҳур туманидаги 276-мактабда турли тадбирлар, кечалар ва баҳслар ўтказиб туриши анъанага айланган.

Яқинда илмгоҳнинг 3-синф ўқувчилари "Она тилим — онадек азиз" мавзуидаги очиқ дарсни зўр қизиқиш билан тингладилар. Фан мутахассиси Эътибор Ҳамидова тайёрлаган сценарий асосида ўтган бу дарс барчада катта таассурот қолдирди.

Суратларда: дарсдан лавҳалар.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

Кўрик - танлов

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мактаб ислоҳотининг туб сиёсий негизларидан бири лотин алифбосига ўтиш тайёргарлигидир. Бу борада Баҳористон туманидаги 4-мактабда талайгина ибратли ишлар амалга оширилган. Тахтачалардан нафис, чиройли ишланган лотин алифбоси ҳар бир синфда ўқувчи доскаси ёнига дид билан қўйилган. Ҳар куни лотин алифбоси билан танишиб, савод чиқараётган ўқувчиларни кўплаб учратиш мумкин. Ўғил-қизларнинг кўпчилиги дарсдан сўнг қизиқарли,оммавий ишлар билан шуғулланадилар. Кашшофлар хонаси доимо болалар, фаоллар билан гавжум. Бу ишда уларга кашшофлар сардори Азиза Азизова раҳбарлик қилмоқда. Ўқувчилар аждодларимиз мерос қолдирган удумларни, урф-одатларни ўрганиш, унга ҳурмат билан ёндашишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганмоқдалар. Бу мўъжазгина маскан ёшларни бирлаштирадиган, турли тадбирларни рўёбга чиқарадиган севимли даргоҳга айланаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Мактабда миллий ҳунармандчиликни ўрганиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда пайпоқ ва устки кийим тўқиш тўгараги очилди. Айни пайтларда эса гилам тўқиш қичик корхонасини ишга тушириш мўлжалланяпти. Мақсад қизларга момолар ардоқлаб келган удумларимизни ўргатишдир. Шу ниятда ҳозир ҳар бир ўқувчи ҳисобига 0,5 килограммдан жун йиғилаётир.

Яқинда "Кўҳна Фазли" жамоа хўжалиги томонидан мактаб ихтиёрига ўн гектар ер ажратиб берилди. Бу мактаб ва оталиқ ташкилоти ҳамкорлигининг натижасидир.

Қиссадан ҳисса шуки, мактабда ислоҳот талаблари асосида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилганлиги туфайли илм маскани туман мактабларининг кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди. Галдаги вазифа аён — ғолибликни қўлдан бермаслик.

Нурилло ИСМАТОВ.

Қашқадарё вилояти.

"Маърифат" хабарлари

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Самарқанд вилояти Нарпай туманида "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча мактабларнинг илғор, ташаббускор ва тажрибали муаллимлари иштирок этиб, ўз маҳоратлари, таълим-тарбия беришда эришган ютуқлари бўйича куч синашдилар.

30-ўрта мактаб ўқитувчиси Ҳабиба Рустамовага биринчи, 43-мактабдан Жамила Иброҳимова ҳамда 12-илмгоҳ муаллимаси Муҳаббат Элбоевага иккинчи ўрин берилди. Учинчи ўринни эса 38-илм маскани математика ўқитувчиси Ўрнаш Мақсадовлар қўлга киритдилар.

Ғолиблар пул мукофотлари, туман халқ таълими бўлими ҳамда ҳокимликнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

* * *

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Урганчда "Ўсиб келаётган авлод ва оналарни соғломлаштириш" мавзусида семинар-кенгаш бўлди. Анжуман "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Хоразм вилояти бўлими ҳамда Германиянинг "Шеринг" АЖ фирмаси томонидан уюштирилди. Унда вилоят туманлари ва шаҳарлари ҳокимларининг ўринбосарлари, халқ таълими бўлимлари мудирлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг бош шифокорлари, мутахассислари, болалар врачлари, маҳалла қўмиталарининг оқсоқоллари, экологик қўмитаси ходимлари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари ва бошқалар иштирок этишди. Оналар ва болалар касалланиши ва ўлимини камайтиришнинг асосий йўллари, экологик вазият кескинлашиб бораётган ҳозирги даврда ҳар хил доридармонлардан, препаратлардан қандай фойдаланиш лозимлиги каби мавзуларда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, профессор К. Жабборов, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси вилоят бўлимининг директори, профессор Ю. Жабборова, Германиянинг "Шеринг" АЖ фирмаси ходими Р. Розиев, профессор Р. Қурбонов, доцент Т. Тўлаганов, вилоят туғруқхонаси бош шифокори Г. Собировалар маъруза қилдилар.

Анжуманда Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Мадрим Жуманиёзов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

* * *

ШОИРАНИНГ ТУҲФАСИ

ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ. Бир йил муқаддам Навоий номидаги жамоа хўжалигидаги Юқсун қишлоғида жойлашган "Баҳор" болалар боғчаси мактаб-боғчага айлантирилганди. Ҳозир бу ерда меҳнат аҳлининг 208 нафар фарзанди 3 гуруҳга бўлиниб, 5 синфда таълим-тарбия олаётир.Улар учун барча қулайликлар яратилган.

Яқинда мактаб-боғчада шу қишлоқлик шоира Манзура Холова билан учрашув бўлди. Тантанада шоира шеърларидан намуналар ўқиди ва шахсий кутубхонасида сақланаётган китоблардан бир қанчасини мактаб-боғчага тақдим этди.

Б. ЭГАМОВ.

* * *

КИТОБ — ОФТОБ

Давримизнинг ҳар томонлама баркамол кишиларини етиштиришда китобнинг аҳамияти катта эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада мактаб кутубхоналари фаолиятини яхшилаш, китоб тарғиботи муҳим ўрин тутади.

Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманида мактаб кутубхоналари ишини яхшилашга бағишлаб ўтказилган вилоят илмий-амалий анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Анжуманда туман халқ таълими бўлими мудири, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Х. Шукуровнинг "Кутубхона ишларини ташкил этишда халқ таълими бўлимининг раҳбарлик фаолияти", вилоят халқ таълими бошқармаси етакчи мутахассиси А. Шоназаровнинг "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кутубхоначиларнинг галдаги вазифалари тўғрисида"ги маърузалари тингланди. Шунингдек, халқ таълими бўлими ходимлари, мактаб кутубхоначилари, адабиёт ўқитувчиларининг иш тажрибалари ўртоқлашилди.

Олтин ёз — ўтсин соз!

Ёз оташида кўнгил табиатнинг сўлим ва дилбар гўшаларига интилади. Биров денгиз бўйларини ёқтирса, бошқа биров тоғларни хуш кўради. Фарзандларимиз эса хушманзара оромгоҳларда дам олишлари мумкин.

Таътил кунларининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳадемай сўнгги қўнғироқлар чалинади. Ўқувчилар завқ-шавқли эртаклар дунёсига, беғубор, бетакрор болаликнинг шукуҳбахш кунлари ўтадиган оромгоҳларга жўнаб кетадилар.

Шу кунларда дам олиш мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, ўтган йили Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёзги дам олиш бўйича 1993 йил 29 майдаги қарорига биноан катта ишларни амалга оширди. Натижада дам олиш мавсуми ижобий якунланди. Мактаблар қошида ташкил этилган 3552 та оромгоҳда 316493 нафар, шаҳардан ташқаридаги 1154 та ҳордиқ масканида 227962 нафар, 403 та меҳнат дам олиш оромгоҳида 44278 нафар юқори синф ўқувчилари дам олдилар.

Бироқ дам олишни ташкил этиш жараёнида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Чунончи, Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижонда биринчи смена ўз вақтида ишга тушмади. Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида мактаб қошидаги оромгоҳларда учинчи смена ташкил этилмади. Шунингдек, ормогоҳларда ташкилий-тадбирий ишларни юритишда ҳам бир мунча нуқсонлар борлиги аниқланди.

СЎЛИМ ГЎШАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Бу йил республика Халқ таълими вазирлигида масала жиддий ўрганиб чиқилди. Ўтган йилги камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Оромгоҳлар фаолиятини назорат қилиш Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи М. Шафиевга юклатилди. Шунингдек, ўн уч кишидан иборат ишчи гуруҳи — комиссия тузилди. Комиссия аъзоларининг вазифалари дам олиш мавсумини қатъий назорат қилиш ва ташкил этишдан иборат. Бу йил оромгоҳларда жорий таъмир ишлари тез фурсатда соз ва қулай қилиб якунланади. Болаларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилади. Оромгоҳлар салоҳиятли, билимли педагоглар ва хизматчилар билан тўла таъминланади.

Ўқувчиларнинг маънавий камолотини юксалтириш ниятида зарур чора-тадбирлар кўрилади. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларининг сонини ошириш ва мактабдан ташқари муассасалар, истироҳат боғлари, клублар қошида оромгоҳлар ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимият билан биргаликда ташкилий ишлар амалга оширилади.

Барча тадбирлар ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот муассасалари, ёшлар иттифоқи, жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари, касаба уюшмалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан баҳамжиҳатликда олиб борилади.

Мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда зарур моддий-техник ва тозалик талабларига мувофиқ шароит яратилмаган бўлса, бундай оромгоҳларни очиш қатъий тақиқланади. Мактаб раҳбариятига мактабларда ёзги ювиниш хоналари, ўйин ва спорт майдончалари, салқин оромгоҳлар ташкил этиш мақсадида давомли аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш масъулияти юклатилади.

1 майдан эътиборан республикадаги ўқувчилар уйи ва саройлари, мактабдан ташқари муассасалар ёрдамида ёзги дам олиш оромгоҳларига ёрдам бериш мақсадида рейдлар ўтказилади. Республика ўқув-методика маркази ва ЎзПФИТИ, республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти, республика мактабдан ташқари муассасалар ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ва республика мактабдан ташқари муассасалари билан ҳамкорликда ташкилий-тадбирий ишлар рўёбга чиқарилади. 1994 йилги ўқувчилар ёзги таътилини ташкил этиш бўйича халқ таълими муассасалари зиммаларига яна талай вазифалар юклатилган.

ҚУТЛУҒ АРАФА.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Атфия ВОҲИДОВА!

Йигирма беш йилдирки, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида бўлажак муҳандисларга сабоқ бериб келасиз.

50 ёшга тўлган кунингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Эҳтиром ила фарзандларингиз.

Ҳурматли Эркин АҲМЕДОВ!

Узоқ йиллардан буён Қарши тумани халқ таълими бўлимида меҳнат қилиб, муаллим ва мураббийларга таълим-тарбияни янгича поғонага кўтариш ишида яқиндан ёрдам бериб келаяпсиз.

Сизни туғилган кунингиз билан қутлаб, ишларингизда омад тилаб қоламиз.

Қарши тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Ўттиз уч йиллик умрини ёшларга сабоқ беришга бағишлаган падари бузрукворимиз **Холтўра ЙЎЛДОШЕВ** бугун 50 ёшга тўлдилар. Шу қувончли кунларда "Халқ маорифи аълочиси" нишони билан мукофотландилар. Қувончларга қувонч, шоду хуррамлик улансин, илоҳим! Танингиз соғ, кўнглингиз ҳамиша чоғ бўлиб юрсин!

Ҳурмат ва эҳтиром билан фарзандларингиз ХУРРАМ, БАҲРОМ, САЛИМА ва САИДАлар.

Сурхондарё вилояти Бандихон тумани.

Тошкент радиотехника техникумида талабаларга риёзиётдан сабоқ бераётган **Ҳамидахон Миробид қизи ТОЛИПОВАНИ** яқину узоқдагилар қувонч билан устоз деб қаршилайдилар. Шундай ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келаётган синглимга бахту саодат тилайман.

Опанг МАСТУРАХОН.

Тошкент шаҳри Белтепа маҳалласи.

Азиз Қўчқор ҚУЛМАТОВ!

Жуғрофия фани сабоқларини ёшлар қалбига сингиришда узоқ йиллардан буён фидойилик кўрсатиб келасиз. Таълимингизни олган ўғлаб шогирдларингиз бугун педагоглик касбини ардоқлашяпти.

Қувончингизга шерик бўлиб, биз ҳам Сизни улуғ айём — таваллуд топган кунингиз билан муборакбод этамиз.

Китоб тумани халқ таълими бўлими жамоаси.

Ҳурматли Ҳўжаниёз БЕКИМБЕТОВ!

Сиз 24 йилдирки шу мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келаяпсиз. Таълимингизни олган кўплаб шогирдларингиз бугунги кунда халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

Таваллуд топган кунингиз муборак бўлсин, қутлуғ 55 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Оилангиз ва шогирдларингиз бахтига доим соғ-саломат бўлинг!

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 28-ўрта мактаб жамоаси.

Ҳурматли Ориф АКБАРОВ!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз ҳамда муаллимлик касбида 35 йилдан буён фидойилик кўрсатаётганлигингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Мактабимиз жамоаси Сизни ўз фани — биология илмини пухта эгаллаган жонкуяр ўқитувчи, кўп шогирдлар етиштирган ғамхўр устоз, тўққиз фарзанди оёққа қўйган меҳрибон ота сифатида алоҳида қадрлайди.

Сизга, оилангизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик ва омадлар тилаб:

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-ўрта мактаб жамоаси

Пойтахтимиздаги 144-мактаб саҳнаси байрамона руҳда безатилган. Саҳнада нуроний бир онахон. У 12-13 ёшлардаги боланинг бўйини ўлчаб, шунга тенг оқ матони йиртиб олди ва тарози келтиришни буюрди. Тарозининг бир палласига болани ўтқазиб, иккинчи палласига шу оғирликдагі тузни қўйди. Худди шу ҳолатни бир қизчада ҳам такрорлагач, булар мучал иримлари эканлигини таъкидлади. Бу ниятлар замиридаги яхши ниятларни тушунтириб берди.

Ўз-ўзидан кўриниб турардики, бу кеча мучал ва мучал ёши расм-русумларига бағишланган эди. Шундай бўлса-да, саҳнада ҳиндларнинг "Холи" байрами руҳи ҳам яққол акс этиб турар эди.

Бу ҳолдан таажжубга тушиб турганимизни сезган мактабнинг синфдан ва дарсдан ташқари ишлар бўйича директор муовини

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Ўлмасой опа Юнусова қуйидагиларни айтди:

— Мактабимиз ҳинд тилига ихтисослашган. Ўқувчиларимиз ўз миллий урф-одатларимиз билан бир қаторда ҳинд халқининг расм-русумларига, миллий урф-анъаналарига ҳам жуда қизиқишади. Шуни эътиборга олиб, биз мазкур тадбирни ҳиндларнинг "Холи" байрами билан биргаликда ўтказишни режалаштирдик. Ҳиндларнинг бу байрами билан боғлиқ барча урф-одатларни ўрганиб чиқдик. Натижада, мана бугун ўқувчиларимиз уларнинг меҳмон кутиш ва кийимлари кўрикларини намойиш қилишмоқда. Бу ишимизда бизга Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳам яқиндан ёрдам берди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни истардимки, ҳинд элчихонаси билан ҳамкорлигимиз бугун бошланган эмас. Улар шу пайтгача ҳам ҳар хил тадбирларимизда иштирок этиб келишарди. Яқинда элчихона ходимлари келишди, юқори синф ўқувчиларимизга дўстлик мавзуида иншо ёздиришди ва ғолибларни совғалар билан тақдирлашди.

Бугунги тантанамизда ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Далеп Мехта ва рафиқалари, элчихона ходимлари иштирок этишмоқда.

Бизга Тошкент тўқимачилик комбинати, Яккасарой тумани ҳокимияти ҳамда халқ таълими бўлими, "Газмол" акционерлик жамияти, "Башанг Табани" қўшма корхонаси раҳбарлари ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам беришаётир. Жумладан, бугунги кечамизнинг ўзига 150 та совға ажратишди.

"Мучал ёшинг муборак" тантанаси икки халқнинг урф-одатлари, меҳр-мурувватти, сахийлиги, болажонлиги каби хислатларини чуқур ифода эта олганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Ҳиндча-ўзбекча қўшиғу рақслар, ноанъанавий танловлару ҳиндча меҳмон кутиш ҳамда кийимлар кўриги, хуллас, ҳамма-ҳаммаси кеча қатнашчиларига хуш кайфият бахш этди, ажиб таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Яккасарой тумани 144-мактабда бўлиб ўтган бу тантана чўнг маънодаги дўстлик байрамига айланиб кетди.

З. УСМОНОВА.

АВИАМОДЕЛЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Бугунги кунда ёшларимиз умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ҳамда мактабдан ташқари муассасаларда таълим олиб, фан ва техника сирларини мукаммал эгаллаб, жамиятимиз учун етук мутахассис бўлиб етишмоқдалар.

Ёшларга турли йўналишларда таълим бериб келаётган муассасалардан бири Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказидир. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мазкур маскан талабалар ўртасида турли хилдаги оммавий-ташкилий тадбирларни мунтазам ўтказиб туради. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Агрегат заводи спорт майдони ва 159-мактабда ўқувчилар техник ижодиёти марказларининг авиамодель спорти Ф-1-Д класси бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Тошкент вилоятлари, пойтахтнинг Ҳамза тумани ўқувчилар техник ижодиёти марказлари талабалари иштирок этдилар.

Мусобақада ўқувчилар техник ижодиёти марказлари талабаларининг тест синовлари асосида назарий ҳамда амалий билимлари синалди.

Тест саволларига жавоб бериш бўйича Самарқанд вилояти командаси I, Қорақалпоғистон Республикаси II, Тошкент вилояти III ўринни эгаллади.

Шахсий биринчилик учун бўлган беллашувда Самарқанд шаҳридаги 54-мактаб ўқувчиси Алёша Нарзиқулов ғолиб бўлди. Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 149-мактаб талабаси Максим Герасимов иккинчи, Самарқанд шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси Николай Басангов учинчи ўринни олдилар.

Мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Д. ХЎЖАЕВА.



Суратда: парвоз натижаси муҳокама қилинмоқда.

К. Лозинский олган сурат.

"Мактабгача тарбия" саҳифаларида

"Мактабгача тарбия" журналининг 1-2-қўшма сони чоп этилди. Ундан фалсафий, ахлоқий мавзудаги мақолалар, болалар боғчаларидаги таълим-тарбия ишларини янги шаклда, ноанъанавий усулда олиб бориш бўйича машғулотлар ўрин олган.

Журналхонлар "Алпомиш" достони ва уни ижро этувчи Фозил Йўлдош каби шоир-бахшилар ҳақида маълумотларга эга бўладилар, халқ эпоси "Маспошшо" достонидан парча ўқийдилар. Журнал саҳифаларида "Ислом ва бола тарбияси" рукни остида буюк файласуф ва мутакаллим Абу Ҳамид ал-Ғаззолийнинг "Аё, ўғлон!" китобидан берилган парча ҳозирги замон ўқувчиси учун катта аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, "Тил — дил калити" рукни остида болалар боғчаларида фаранг ва олмон тилларини ўргатиш дастури берилган. Дастур 6 ёшли болаларга бир йил мобайнида тил ўргатишга мўлжалланган бўлиб, ўйин шаклидаги 72 машғулотдан иборат. Журналда "Сусамбил", "Таълим-тарбия", "Ўзбек момо ўгитлари", "Оқ теракми, кўк терак", "Гиря", "Нафосатнома", "Болапошшо" рукнлари остида қатор қизиқарли мақолалар, эртаклар, топишмоқлар, халқ ўйинлари эълон қилинган.

Халқ ўйинлари

БИРИНЧИ ФЕСТИВАЛЬ

Фориш туманидаги Қизилқир сайилгоҳида Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган республика миллий спорт ва халқ ўйинлари биринчи фестивали бўлиб ўтди.

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан командалар иштирок этдилар. Миллий спорт ва халқ ўйинлари мусобақалари тикланаётган қадриятларимиз намойишига айланди. Унда миллий спорт ва халқ ўйинларининг "Қирқтош", "Олиб қочар", "Отиб қочар", "Тортишмачоқ", "Елкада кураш" каби 9 тури бўйича беллашувлар бўлди.

Фестиваль мусобақаларида команда ҳисобидан Жиззах вилояти биринчи, Сурхондарё вилояти иккинчи ва наманганликлар учинчи ўринни эгалладилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоалари мусобақаларда фаолликк кўрсатгани алоҳида қайд этилди.

Миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали ғолибларига вилоят ҳокими ўринбосари Ширин Чилғашев, ҲДП вилоят кенгаши биринчи котиби Гуландом Субҳонова, Фориш тумани ҳокими Эркин Қозоқовлар соврин ва эсдалик совғаларини топширдилар.

К. ЖЎРАҚУЛОВ.

Тошкент давлат университети қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номидаги лицей-интернат 1994-95 ўқув йилига ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар 9-синфни битирган бўлишлари лозим. 9-синфни битирганликлари ҳақидаги гувоҳномада 3 (уч) баҳо бўлмаслиги керак.

Лицей-интернатда қуйидаги синфлар мавжуд:

1. Математика ва инглиз тили
2. Математика ва иқтисодиёт
3. Физика ва информатика
4. Кимё
5. Биология

Лицей-интернатда ўқиш муддати икки йил (10-11-синфлар).

Лицейга кирувчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ёд билишлари, Байроғимиз ва Гербимиз мазмунини билишлари шарт.

Математика ва инглиз тили синфига кирувчилар математикадан тест синовидан, инглиз тилидан суҳбатдан ўтишлари керак.

Математика ва иқтисодиёт синфига кирувчилар математикадан тест топшириб, физика фанидан суҳбатдан ўтадилар.

Физика ва информатика синфига кирувчилар, физикадан тест синовидан, информатикадан суҳбатдан ўтадилар.

Кимё (биология) синфига кирувчилар кимёдан (биологиядан) тест топшириб, биология (кимё) фанидан суҳбатдан ўтадилар.

Лицей-интернатда чет тиллардан инглиз ва немис тиллари ўргатилади.

Қуйидаги ҳужжатлар боғичли папкага солиб топширилади:

1. Директор номига ариза.
2. Боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг тасдиқланган нусхаси (ёши 16 га тўлганлар паспортларини кўрсатадилар).
3. Ўқувчининг 9-синфни битирганлиги ҳақидаги гувоҳномаси.
4. Соғлиғи ҳақидаги маълумотнома (форма-26).
5. 3х4 катталикдаги 6 та расм.
6. Ота-онасининг турар жойидан ва иш жойидан маълумотномалар.

Ҳужжатлар 21-25 июнь кунлари лицей биносида қабул қилинади.

Тест синовлари ва суҳбатлар қуйидаги муддатларда ўтказилади:

Кимё ва биология синфлари учун — 27 июнда
Физика ва информатика синфи учун — 29 июнда
Математика ва инглиз тили синфи учун — 30 июнда
Математика ва иқтисодиёт синфи учун — 1-2 июлда

МАНЗИЛГОҲ: Тошкент, Чилонзор тумани, 9-квартал, 33-уй. 4-, 9-трамвайларнинг ҳамда 29, 116- автобусларнинг "Чўпон ота", 2-, 33-, 77-автобусларнинг "9 квартал" бекатлари).

Телефон: 78-86-49.

ТАКЛИФНОМА

Ҳурматли синфдошлар! Азиз устозлар! Сизларни 1974 йили Сирдарё вилояти Ш. Рашидов (Ильич) туманидаги 6-ўрта мактабнинг битирувчилари 24 май куни соат 10.00 да бўладиган 20 йиллик шодиёнасига таклиф қилади.

Манзилгоҳ: Пахтаобод қўрғони, Маданият саройи.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ва туман касаба уюшма қўмитаси 10-кечки мактабнинг собиқ директори **Фозил СОЛИЕВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—857. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6